

Маҳалла фаровонлиги - обод турмуш кафолатидир

У.Қ.Мақсудов

Фарғона давлат университети, магистрант

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат қуриш, давлат ва жамиятимизнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ҳамда янгилашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Халқимиз учун муносиб турмуш шарт-шароитларини яратиш, бунёдкорлик салоҳиятини ошириш, минг йиллик анъаналаримизни тиклаш ва янада ривожлантириш, миллий ўзликни англаш ҳамда фахр-ифтихор туйғусини мустаҳкамлашга қаратилгани мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш йўлида ўтказилаётган ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳатларидир.

Ҳаётга татбиқ этилаётган туб ўзгаришлар самарасида фуқароларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланмоқда, халқимиз жамиятимизда амалга оширилаётган жараёнларнинг юксак аҳамиятини янада теран англаб етмоқда. Мамлакатимизнинг ўзи танлаган ривожланиш йўлида эришаётган муваффақиятлари давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва бугунги кунда бутун дунёда кенг эътироф этилган ислоҳотларнинг “ўзбек модели”ни ҳаётга татбиқ этишнинг ёрқин самарасидир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ушбу институтни жамият сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми, қудратли бунёдкорлик салоҳиятига эга бўлган ҳамда “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” принципини изчил амалга оширишга ёрдам берадиган ижтимоий ўзини ўзи бошқаришнинг ғоят муҳим бирламчи бўғини сифатида кучайтириш борасида тизимли ҳамда изчил чора-тадбирлар кўрилганлигини алоҳида қайд этиш мумкин.

Президентимиз томонидан 2013 йил “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниб, Давлат дастури қабул қилинди.

Давлат дастурида маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги муҳим комплекс чора-тадбирларни бажариш режалаштирилган:

1. Маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш;
2. Маҳаллаларда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга оид масалаларни ҳал этишда уларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш;
3. Ёш ҳамда кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш;
4. Маҳаллалар ва турар жой массивларининг ташқи қиёфасини яхшилаш;
5. Ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштиришга оид ишларни амалга ошириш.

Маҳалла халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутди. Маҳалла катта мамалакат ичидаги кичик бир мамлакатдир, катта давлат ичра кичик давлатдир. Шунинг учун унинг бошқарув тизими бўлгани каби ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ва маданий – маърифий фаолият механизми ҳам асрлар давомида шаклланган.¹

Оила ва маҳалла ҳар тамонлама бир-бирлари билан боғлиқ. Зотан, ҳар бир маҳалла оилалардан таркиб топади. Фарзандлар оила оила бағрида камол топганлари каби оила ҳам маҳалла ичида равнақ топади, нурли келажак сари интилади. Керак бўлса, маҳалла оиланинг энг яқин маслаҳатчиси, тоғдай таянчдир. Шарқ халқлари, чунончи, ўзбек халқи учун муҳим хусусият хурсандчилик кунлари ҳам, бошга иш тушган онларда ҳам бир-бирига ҳамдард ва ҳамнафас бўлишган. Инсонлар

¹ М.Н. Аминов, “Тарбия энциклопедияси”, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010 й.

ўртасидаги бу бирдамлик ва ҳамжиҳатликнинг муҳим воситаси – маҳалладир.²

Республикамиз бўйича жами 9 973 та маҳаллалар жойлашган бўлиб, улардан 609 таси жамоатчиликка асосланган, 1326 таси қишлоқлардаги, 154 таси овуллардаги, 110 та шаҳарчалардаги, 8328 шаҳарлардаги маҳаллалар³ ҳисобланса, вилоятимиз бўйича эса 1027 та маҳаллалар жойлашган. Жумладан, Фарғона шаҳрида 70 та маҳалла жойлашган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги ПФ 3434-сонли “Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмиталар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида ҳар бир маҳаллада диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий масаллар бўйича маҳалла маслаҳатчилари фаолияти йўлга қўйилди.

Маҳалладаги маънавий ободлик, маданий-ахлоқий тадбирлар, оилаларнинг фаровон турмуш даражасига эришишига бевосита маҳалла маслаҳатчилари фаолияти, таъсир этиш усуллари, уларнинг кенг дунёқараши ва ташкилотчилик қобилиятларига боғлиқдир. Зеро, Президентимиз айтиб ўтганидек: “...обод деган сўзнинг маъносини биз жуда кенг ва чуқур тушунамиз. Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз-барака ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади. Мустақиллик йилларида “Ободлик кўнгилдан бошланади” деган чуқур мазмунли ибора эл-юртимиз ўртасида кенг тарқалиб, одамларимизни бунёдкорлик туйғуси билан яшашга даъват этиб келаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди”, яъни ҳар бир маҳалланинг ободлиги, оилалар фаровонлиги, унда яшовчи кишиларни ижтимоий фаоллиги билан чамбарчас боғлиқдир.

² О. Мансурова. “Оила маънавияти – миллий ғурур”, “Ўқитувчи” нашриёти, 1999 йил, 51-53 бетлар.

³ Ўзбекистон Республикаси “Маҳалла” ҳайрия жамғармаси маълумотлари. 2013 й.

Ўтказган таҳлилларимизга кўра, бугунги кунда вилоятимиз бўйича ушбу вазифани бажараётган 1027 нафар ходимларнинг 246 нафари олий маълумотли, 712 нафари ўрта махсус маълумотли, 66 нафари эса ўрта маълумотлиларни ташкил қилади. Фарғона шаҳрида эса, 22 нафар олий маълумотли, 42 нафар ўрта махсус маълумотли, 6 нафар ўрта маълумотли маслаҳатчилар фаолият олиб боради.

Маҳалла институти ёки ўзини ўзи бошқариш органларида фаолият олиб бораётган диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий масаллар бўйича маҳалла маслаҳатчилари бевосита *ижтимоий педагог* вазифасини бажаради ва фаолияти давомида оиланинг турли муаммолари (касал болалар, ногиронлар, ўқишни ҳоҳламайдиган болалар, нафақахўрлар, қариялар, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик, анамал болалар, ёш турмуш қуришни олдини олиш, ота-оналарнинг ҳамда ёш оилаларнинг ажралишлари) каби муаммолар билан дуч келади. Шубҳасиз, унинг оиладаги биринчи вазифаси - инқирозли вазиятларни ҳал қилиш.

Диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий масаллар бўйича маҳалла маслаҳатчилар фаолиятлари бўйича оилалар билан иш юритишда ижтимоий педагогик нуқтаи назардан қуйидаги асосий ролларни бажаришлари аниқланди:

Маслаҳатчи педагог — оилага ота-оналар ва болаларнинг ўзаро таъсирининг муҳимлиги ҳақида гапириб беради, бола тарбияси бўйича педагогик маслаҳатлар беради.

Ҳуқуқий консультант — оила қонунчилиги масаласи бўйича маслаҳат беради, мавжуд тарбия методларини маълум қилади, оилада боланинг меъёردа ўсиши ва ривожланиши учун зарур шароитларни яратиш усуллари тушунтириб беради.

Ҳимоячи — бола ота-оналари томонидан (гиёҳванд, арокхўр, болаларга ёмон муносабат) тўлиқ дегратацияга дуч келганда, болани ҳимоя қилади.

Шунингдек, диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий масаллар бўйича маҳалла маслаҳатчиларининг оиладаги асосий фаолиятини ижтимоий

педагогик ёрдам ташкил қилиб, бу ёрдам таълимий, психологик ва воситачилик кўринишларида намоён бўлмоғи зарур.

Ижтимоий-педагогик фаолият қуйидаги масалалар бўйича ота-оналарни ҳар томонлама ўрганишни кўзда тутди:

— ота-оналарнинг бўлажак фарзандларини тарбиялашлари учун педагогик ва ижтимоий-биологик тайергарлиги;

— болаларда тенгдошларига нисбатан адекват муносабатни шакллантиришда ота-онанинг ўрни;

— бола тарбиясида шахсий намуна ва "ота-она" ижтимоий мақомининг аҳамияти;

— оилада турли авлодларнинг ўзаро муносабати;

— оилада болаларга педагогик ва психологик таъсир қилиш усуллари, болалар ва катталар орасида ижобий муносабатларнинг шаклланганлигини ўрганишни назарда тутди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий масаллар бўйича маҳалла маслаҳатчилар учун педагог ва психологлар ёрдамида доимий ўқув-семинар, тренинглар ўтказилиши уларни маҳалланинг турли қатлам вакиллари билан ишлаш, мулоқот олиб боришлари учун яхши самара беради.

Шунингдек, ижтимоий иш йўналиши 1-курс талабаларини фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларидаги малакавий амлиётларини 36 соат эмас балки, ундан кўпроқ ўтказилишини кўриб чиқиш кераклигини тавсия этар эдик. Чунки, улар малакавий амалиёт даврида фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларини демографик ўрганишдан ташқари иш юритиш, оилалар билан ишлаш, маҳалланинг турли қатлам вакиллари билан коммуникатив алоқалар ўрнатиш технологиялари, ижтимоий муаммоларни ечиш каби бир қатор фаолият турларини ўрганадилар.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла фаровонлиги маҳалла аҳлининг тарбияси, юриш-туриши, аҳиллиги, фаоллиги, меҳр-оқибатлилиги, ўзаро муносабатларининг самимийлиги каби қадриятларга боғлиқдир. Чунки,

маҳалладаги олиб бориладиган барча диний, маданий-маърифий, маънавий-ахлоқий тадбирлар ёшлар тарбиясида ижобий натижаларини кўрсатади. Бундай тадбирларни амалга оширилишида бевосита ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ва маҳалла фаоллари, ижтимоий педагогнинг касбий функцияларини амалга оширади. Маҳалланинг ижтимоий педагогик фаолият функциялари таркибига эса юқорида келтирилган фикрларнинг барчасини мисол тариқасида айтишимиз мумкин.

Мақсудов Улуғбек Қурбонович

Фарғона давлат университети,

Ижтимоий педагогика мутахассислиги магистранти

+998 90 303-19-34

ulugbek_8012@mail.ru, ulugbek_8012@inbox.uz.